

Мактубларни саралаганда...

Инсон ҳамиша ташвиш-у машаққат аталмиш тўсиқларни енгиб яшайди. Кимдир фарзанд доғи қийнаса, яна кимдир ҳаёт бўла туриб, ташлаб кетган энг яқин кишини соғиниб яшайди.

МАСЪУЛИЯТ

2006 йилнинг ўтган январь, февраль, март ва апрель ойларида 500 га яқин хат-хабарлар рўйхатга олинди. Бу ҳафтага 50-60 хил муҳожатга қўлоқ тутиш дегани. Улар жумласига 200 дан ортиқ ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, фантехникага оид мақола ва хатлар, 150 га яқин суд-хуқук масалалари, 50 дан зиёд коммунал хизмат борасидаги ва бошқа масалалар юзасидан йўланган аризалар кирди.

Мактубларнинг барини синчиқлаб ўрганимиз. Бироқ гоҳо уларнинг орасида вақтимизни беҳуда оладиган аризалар ҳам учрайди. Имловий хато ва тушуниш қийин бўлган бундай хатларни ҳар қанча ҳижжаласанг-да, ҳеч нимага тушунмайсан. Бирор нимани аниқлаб бўлмайдиган ушбу хат бизга Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, Дўстлик маҳалласидан юборилган. Бундай мақсадсиз ёзувларга термулбо, вақт йўқотқандан қура наҳот кулди ўтирган бир дардимдан ёрдам қилганимиз афзал эмасми, деб ўйлаб қолсан, киши.

Биз бу билан газетхонларимизни ранжитмоқчи ёки уларга ақл ўргатмоқчи эмасмиз. Шунчаки йўллаётган мактубингиздаги жумлалар, ҳуснат ҳанчалик раван ва тушунарли бўлса, бу ўзингизга фойда демокимиз, ҳолос.

Эки мана бу хатга эътибор беринг: "Мен шунги ёзиб маълум қиламанки, бизни Андижон шаҳрида Утин бозори, мол бозори ва қушхона. Киргизистон Республикасини Майли-сой шаҳрига, яъни, эски савет давлатидидаги пераваличий база...". Гап Андижон ҳақида кетаётганини ҳисобга олганда мактуб мутлақо тушунарли. Қолаверса, у аноним, яъни имзосиз ҳамда манзили кўрсатилмаган. Кейинги пайтда аризалар орасида шундайлар ҳам тез-тез учраб туради. Масалан, шу йилнинг март ойида келган шикоятда Қашқадарё вилояти кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ва автогараж мудирининг ўз мансабани сунистьемол қилган, бошқарма тасарруфидидаги автомобилларнинг улар томонидан талон-тороқ қилинаётгани айтилган эди. Қашқадарё вилоят прокуратураси текшириш натижаларини билдириб экан, тахририятга шундай жавоб йўллаган:

"Аниқланишича, Қашқадарё вилояти кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ва автогараж мудирининг ўз мансабани сунистьемол қилган, бошқарма тасарруфидидаги автомобилларнинг улар томонидан талон-тороқ қилинаётгани айтилган эди. Қашқадарё вилоят прокуратураси текшириш натижаларини билдириб экан, тахририятга шундай жавоб йўллаган:

дариё вилояти кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳайдовчилари С.Суяров ва Ш.Шооатовлар газета тахририятига ушбу шикоятни ёзишмаган ва улар томонидан имзоланмаган. Хатдаги имзолар қалбаки эканини назарда тутиб, шикоят "аноним" деб топилди".

Ким кимнинг номига доғ туширмоқчи, бу сохта аризаларнинг боиси не — бу бизга қоронғу. Икки ўртада эса шунча одамнинг вақти бесамар кетди. Имзо сохта бўлиб чиққач, биз ҳам бироз мулазм тортдик (гарчанд айбимиз бўлмаса-да).

2006 йилнинг 24 февраль кунини рўйхатдан ўтган шикоятда эса Янгийўл шаҳрида жойлашган болалар уйидаги ноҳақликлар ҳақида ёзилган. Ундаги иддаолар балки ўрилинди, аммо хатни ўрганиб десангиз, на бирор имзо ва на аниқ манзил бор. Шундайлардан Адолат Адилова, Раҳимжон Норматов, Х. Қўлбердиев, Ж. Уткиров манзилсиз, Наманган шаҳри, Андижон, Марғилон, Хоразмдан юборилган имзосиз хатларни санаб ўтиш мумкин.

Туриш ташкилот ва идоралар томонидан ариза ва шикоятлар юзасидан тахририятга келаётган айрим расмий жавобларнинг гализ ёзилганлиги ҳам гашига тегади. Мутасадди ташкилотларга текшириш учун аризалар билан юбориладиган тахририятнинг махсус ҳамроҳ қозғовида шикоят асосининг тўлиқ исми ва рўйхатдан ўтган рақамлар кўрсатилиши лозимлиги таъкидланган. Шундай бўлса-да, хатто айрим нуфузли ташкилотлар ҳам бунга риоя этишмайди.

Тахририятга Гофиржон Валиев номидан келган шикоят хатини текшириб, чора кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судига тақдим этдик. Қўп ўтмай у ердан жавоб хати олдик. Хат шундай бошланганди: "Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, А.Қодирӣ кўчаси, 25-уйда яшовчи В.Гофиржоновга..."

Эътиборсизликми, масъулиятсизликми, билмайми-у, ҳар ҳолда бунунбошлиқ исм-фамилия жавоб хатида буткул ўзгариб кетган. Тўри, иш бор жойда хато бўлади, дейдилар. Бирор расмий жавоб — ҳужжат-ку...

Шунингдек, айрим ташкилотлар жавоб бердингми, бердим қабилида расмий хат юборишди. Жумладан, мана бу тарзда:

уни ҳис қилсак, ташвиш арийди



"Фуқаронинг тахририятга йўллаган хати қўриб чиқилди ва ариза муаллифига раҳбариятнинг қабул қилдириш ҳақида тегишли маълумот берилди". Мабодо, фуқаро уларнинг берган жавобларини қўриб, яна шундан далолат берадими, ҳокимиятдаги мутасаддилар томонидан инсон манфаати биринчи ўринга қўйилмоқда. Уларда шикоятчи нисбатан оғриниш кайфияти эмас, балки унга ёрдам бериш, оғрининг енгил қилиш мудиасининг маъжудлиги кишини қувонтиради.

Биз кўпгина вақтимизни қўзғаниб, инобатга олмайдиганимиз — тартиб ва қўл урилган ишга эътиборнинг ҳаётда нечоғли муҳимлигини ҳаммиша ёдда тутишга. Энг аввало, ўзимизга нисбатан талабчиликни оширасакки, бирининг ҳам ташвишига бефарқ бўлмаймиш. Шунда ҳаммаси — ечимини кутаётган муаммолар-у, турмуш машаққатлари ҳам енгиллашадими. Зеро, масъулият ҳис қилинган ёрдам ҳаммиша унум ва барака бўлади.

Муборак ОХУНОВА, "Халқ сўзи" мухбири.

қондаларга кўра белгиланган тартиб асосида барча қатори уч йил ишлаб, сўнгра Марказий кон бошқармаси ишчи-хизматчиларининг уй-жой шароитини яхшилаш рўйхатида туриши лозим.

... Шаҳар ҳокимлигида Б.Эрназаров билан суҳбат ўтказилиб, унга шикоятбозликдан фойда йўқлиги, ҳозирги пайтда оиласининг молиявий имкониятлари яхшиланишидан фойдаланиб, Навоий кон-металлургия қўшма корхонасида ишловчилар учун турар-жой сотиб олишга ажратилиши мумкин бўлган фозиссиз сууда олишга ҳаракат қилиши лозимлиги тушунтирилди. Ушбу фикр унга маъқул бўлиб, оиласи билан маслаҳатлашиш учун имкон сўради. Шаҳар ҳокимлиги Б.Эрназаровдан бир борада ҳам ёрдамини

аймайди". Шикоятнинг атрофлича ўрганилгани йўланган расмий хатдан сезилиб турибди. Босиқлик билан, батафсил, тушунарли баён қилинган жавоб яна шундан далолат берадими, ҳокимиятдаги мутасаддилар томонидан инсон манфаати биринчи ўринга қўйилмоқда. Уларда шикоятчи нисбатан оғриниш кайфияти эмас, балки унга ёрдам бериш, оғрининг енгил қилиш мудиасининг маъжудлиги кишини қувонтиради.

Биз кўпгина вақтимизни қўзғаниб, инобатга олмайдиганимиз — тартиб ва қўл урилган ишга эътиборнинг ҳаётда нечоғли муҳимлигини ҳаммиша ёдда тутишга. Энг аввало, ўзимизга нисбатан талабчиликни оширасакки, бирининг ҳам ташвишига бефарқ бўлмаймиш. Шунда ҳаммаси — ечимини кутаётган муаммолар-у, турмуш машаққатлари ҳам енгиллашадими. Зеро, масъулият ҳис қилинган ёрдам ҳаммиша унум ва барака бўлади.

Муборак ОХУНОВА, "Халқ сўзи" мухбири.



Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал...

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

СЎЗ СИЗГА, ГАЗЕТХОН

МЭҲР ҚОҲУР

Яқинда анчадан бўён қийнаб келаётган дардим яна хуруж қилиши натижасида мени Республика Шошилинч тиббий ёрдам иллий марказига олиб келишди. Ўз бурчига садоқатли, зукко, меҳри дарё, фидойи инсонларнинг текшириш ва даволашлари самараси билан ҳаётим қайтадан тиклана бошлади.

Олтин олма, дуо ол

Очиги, бунга аҳолим танг бўлиб турган ўша дақиқаларда бир инсоннинг таламга келиб: "Амаки, чўчиманг, ўзингизни дадил тутинг, ҳаммаси яхши бўлади", дея кўнглимни тоғдек кўтаргани далда бўлди. Кейин билсам, у киши шу марказ раҳбари экан...

Мени ўн бир кун жароҳлиқ бўлиб турган ўша дақиқаларда бир инсоннинг таламга келиб: "Амаки, чўчиманг, ўзингизни дадил тутинг, ҳаммаси яхши бўлади", дея кўнглимни тоғдек кўтаргани далда бўлди. Кейин билсам, у киши шу марказ раҳбари экан...

Бўлимади даволанаётган беморлар билан дардла...

шиб, мулоқот жараёнида билдимки, бу ерга мамлакатимизнинг турли бурчакларидан оғир аҳволдаги беморлар келтириларкан. Улар малакали шифокорларнинг замонавий усулдаги текзор ҳаракатлари туфайли оёққа туришарди.

Деновлик Хосият Юсупованинг айтишича, уни сўнгги наҳот билан бу ерга олиб келишган. Узоқ давом этган операция муваффақиятли амалга оширилган. "Беморларга бепул, беминнат хизмат кўрсатаётганларни, шундай шароит яратиб берганларни Оллоҳ қўластин", дейди у.

"Шошилинч тиббий ёрдам маркази посбонлари, Сизларга қўймай! Ҳаётдан умиди узилган беморларга қайта умр бақи эътиборингиз, ҳуусеан, олам Мария Фроловани нариги дунёдан қайтарганингиз учун Сизларга ташаккур! Бу ерда ҳар бир бемор ҳаётини

саклаб қолиш учун нақадар фидойилик билан кураш олиб боришини, уларга ўз туғишган жисарбандларидек, меҳр ҳамда юксак даражадаги малакали хизмат кўрсатишини ўз кўзим билан кўрдим. Яна бир қарра ташаккур! В.Кормилина 2004 йил, июнь."

Дарҳақиқат, Марказ фалиятти мамлакатимизнинг ҳар қандай ривожланган юртдан кам эмаслигининг ёрқин бир тасдиғидир. "Олтин олма, дуо ол" нақлига амал қилиб, наҳот масканидагиларнинг ҳар бирини умрим борича дуо қилгайман! Олло, ярлақсини Сизларни, қасамдига содиқ шифокорлар!

Юсуф ШОНҚУЛОВ, пенсионер, 2-гурӯх ногирони. Тошкент шаҳри.

Касбини улуғлаганлар

Мана эллик йилдирки, марғилонлик Абдуҳамид ака Абдуҷабборов ўзи севган заргарлик касби билан шуғулланиб келади. Ҳунарининг орқасидан етти ўғлилу, уч қизни вояга етказди, фарзандлари бугун элнинг қорига ярайдиган инсонлар бўлиб етишишди.

Қўли гул уста

Нозик дидли заргар қадриятларимизни тиклаш йўлида ҳам ўз ҳунарини ишга солди. Унутилиб кетган узук, зирак, билақузуқ ва бошқа турли тақинчоқларнинг нусхаларини тиклаб, замонавий ва миллий кўринишга эга бўлган буюмлар яратди. Унинг меҳнатлари БМТнинг Тошкентда ўтказган кўргазмасида юксак баҳоланди. Моҳир устанининг "Марғилонча", "Фарғонача", "Қирғизча", "Келини сўйсин" деб номланган заргарлик намуналари қатор кўргазма ва фестивалларда муносиб тақдирланди келинмоқда.



76 ёшни қаршилаган устоз бугун ўз шогирдларига ҳунарининг сирларини ўргатаётир. Уста айна пайтда Марғилоннинг 2000 йиллик тўйига атаб "Кумушбиби" балдоғини тайёрлашга киришган. М. МАҲМУДОВ, Марғилон шаҳри.

ҲАМ кулгилу куйгилу

Сирдарё тумани ҳокимлигининг «Сирдарё» деган газетаси бор. Илгарилари унинг муштарийлари кўп бўларди. Афсуски, кейинги пайтларда газета сифати анча пасайиб, берилмаётган мақолаларнинг мазмунини савёлашиб бораётгани. Ундаги мақолаларда йўл қўйлаётган жумла гализликлари, қўлоқ орфографик ва грамматик хатолар газетхонларнинг ҳақиқий эътирозига сабаб бўлмоқда.

Яқинда республика газеталаридан бирида, айнан, шу «Сирдарё» ҳақида «Газетани ё хатолар чўқоғи?» сарлавҳали мақола чиққанди. Ҳокимликнинг ушбу танқидга муносабати, марказий газетанинг ўз танқидига қандай жавоб олганлигини билмадигу, газетада хатолар ёмғирдан кейинги кўзқориндек болалаб кетаяпти. Ҳақикат, «Сирдарё»нинг 2004 йил 12 октябрь сониде туман ҳокимлигининг «Халқ депутатлари Сирдарё туман сайлов комиссиясини тузиш тўғрисида»ги қарори 21 октябрь санаси билан бериб юборилганлиги танқид қилинган. Бу хатодан тўри хулоса чиқарилмаган шекилли, «Сирдарё»нинг 2006 йил 24 февраль сонидеги «Фоллар йиғилиши» мақоласи «22 март кун туман фаоллар йиғилиши бўлди» деган сатрлар билан бошланади. Қандай қилиб 24 февралда 22

мартдаги фаоллар йиғилиши бўлади. Ёки газетанинг 2005 йил 5 март сонидеги «Вазир танбех берди» мақоласидаги асабини қакшатиб юборадиган жумлалар, мантқиқсизлик газетонини газетадан совутиши тарафига гап. Мақолада ёзилишича, вазир «Ҳақикат, Синдаробот, Ж. Маманов...нинг сустқашлиғидан» норози бўлибди. Газетанинг 2005 йил 26 март сонидеги «Халқ сайли» мақоласида «Халқ сайли — халқ майли» деган широр берилган. «Наврўз сайли — халқ сайли» деган широрини эшитганимиз... Газетанинг шу соқоласидаги «Истиклол берган имконият» мақоласидаги суратларга берилган тағ сўзида «Ташаббус — 2005» курик танловидан лойиҳалар», деган жумла бор. Бу лойиҳаи ёки лавҳами» тушуниш қийин. Шу сонинг 3-сонида «Хомийлар соҳавати» мақоласи «Собир Раҳимов мақолада фуқаролари ҳам байрамни муносиб қаршиладилар» деган сўзлар билан бошланган. Ўзбек генерали Собир Раҳимов қанақасига мақола бўлади.

Сизлардан илтимос, фикрларимизни газетангизда ёритиларини. Зора «Сирдарё» газетаси хатолар ботқоғидан қутулса...

В. ШУКУРОВ, А. САЛИМОВ, сирдарёлик газетхонлар.

«Халқ сўзи» назоратида Камчиликлар бартараф этилади

Газетамизнинг шу йил 2 март сониде «Бог қараганга бол беради» сарлавҳали мақола чоп этилган бўлиб, унда Андижон вилоятида бог-роғларни қўлайириш, мева, сабзавот ва узумни қайта ишлаш корхоналаридаги муаммоларни ҳусусида сўз юритилган эди. Мазкур мақола юзасидан Избоскан туман ҳокими И.СОБИРОВ имзоси билан тахририятимизга расмий жавоб келди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«Мақолада кўрсатилган камчиликлар тумандаги мутасаддилар ҳамда тегишли ташкилот раҳбарлари иштирокида ўрганиб чиқилди. Натижада тажриба хўжалиғидаги бог ва тоқзорларда бир қатор камчиликлар борлиги, жумладан, айрим конурдаги бог ва тоқзорлар ораларида етарли даражада ишлов берилмаганлиги маълум бўлди. У.Мансуров номли тажриба хўжалиғи раиси А.Ҳамрақулов ва хўжалик бош хосилоти Х.Раҳимовлар ўз вазифасига маъсулиятсизлик билан ёндашганликлари кўрсатиб ўтилди.

Мақолада таъкидланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда келгусида бундай ҳолатлар такрорланишининг олдини олиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар белгиланди».

Тугатилаётган «ТЕТАМИНОТ» ОАЖ куйидаги товар-моддий бойликларни сотади:

- халқ истеъмоли моллари;
• электротехника буюмлари;
• сантехника буюмлари;
• тоғ-шахта ускуналари ва бутловчи қисмлар;
• қишлоқ хўжалиғи техникаси бутловчи қисмлари.

Мулоқот учун телефонлар: 8-266-2-31-21, 382-89-14, 144-38-28, 23-22-70.

Аризачи сўрови

Нобъ ўсимлик топталмаётганими?

Бизнинг Кон-сой кишлоғи тоғларида нобъ ва доривор ҳисобланувчи «коврак» ўсимлиги ўсади. У худди ялғиз каби баҳорда унуб чиқади. Март ойида 15-20 кун яшайдиган бу ўсимликдан одамлар фақат шу вақтдагина фойдаланишлари мумкин. Бироқ ўзини «Сафарий» ва «Робита-А» фирмасига тегишли экани тўғрисидаги тушунарли руҳсатномалар кўрсатиб юрганлар бу ўсимликка қирон келтирмоқда. Улар қовракнинг илдиқ қисмидаги ширасини олишади. Бироқ илдиқ оғиб ташлангандан сўнг гийёҳ нобуд бўлишини сира ўйлашмайди. Янчали томони унинг ён-атрофида ўсадиган ўсимликлар ҳам шундан сўнг йўқ бўлиб кетмоқда. Эътироз билдирганимизда фирма мутасаддилари хўжаликка пул ўтказишганини айтишди. Қолаверса, туман табиати муҳофаза қилиш идорасидагилар уларни химоя қилмоқда. Шу қонунийми?

Мутасадди жавоби

Ойдинлик қиритилди

«Сафарий» хусусий фирмаси Деҳқонобод ўрмон хўжалиғига қарашли ерлардан 8 тонна, «Робита-А» қўшма корхонаси эса Қашқадарё вилояти худудларидан 5 тонна қоврак ўсимлиги ширасини йиғиш учун руҳсат сўраб, 2005 йил ўсимликлар дунёси қўриқоналарини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш республика давлат нозирлиғи (Давлат бионозорат) бошлиғи номига ариза берган. Фирма ва корхона мутасаддилари ер эгалари, яъни Деҳқонобод ўрмон хўжалиғидан розилик хатлари олиб келган. Шундан сўнг Республика Фанлар академияси қошидаги биоресурслардан фойдаланиш идорасидегилар уларни химоя қилмоқда. Шу қонунийми?

3.ХўЖАМҚУЛОВ ва бошқалар, Деҳқонобод тумани.

Иддао

Асаббузар телефонлар

Шовот туманига қарашли Чўқли кишлоғи марказида 50 йил аввал қурилган телефон тармоғи ишлайди. Аслида уни ишлайди, дейиш ноқоно. Чўчки, ўзингизга керакли рақамни теравериб қарнайсизу, бу ердан телефон орқали бирор ерга қиқшининг умуман иложи бўлмайди.

Масалани ҳал қилиб беришар, деган ниятда туман прокуратураси ва алоқа бўлимига мурожаат қилдик. Тумандагилар вилотини айбдор қилишдан бошқа чора топишолмади. Мутасаддилар бир-бирига айб тўнкаш билан овор бўлса, кишлоқдаги телефон алоқасини ким яхшилайди?

О.САТТОРОВ ва бошқалар, Хоразм вилояти.

Амал ўтқинчи

МУЛОХАЗА

Бугун барча шаҳару, кишлоқлардаги ўзгартириш, ободонлаштириш ишларини қўриб, қўзи қунайдиги, кишининг. Осмонўпар бинолар, замонавий ўқув юрталари, спорт иншоотлари, барибари халқ учун, ўсиб келаётган ёш авлод учун хизмат қилаяпти. Шуларни ўйлаб бугунги тинч, осуда ҳаётимизга ҳар қанча шуқроналар қилсак арзийди. Бироқ шундай эмин-эркин ҳаётимизда ҳам бугун одамлар орасида меҳр-муруват, ишонч туйғулари қаммайиб кетаётгани кўнглини бироз хижил қилади.

Юртбошимизнинг инсон қадр-қиммати, эркинлиги энг олий қадрият экани ҳақидаги сўзларини ҳар биримиз яхши биламиз. Бироқ жойлардаги айрим раҳбар тўраларнинг одамлар билан қўлоқ муомалада бўлаётгани қўнглимизни эътирозига сабаб бўлганди. Зеро, раҳбарликнинг ҳам ўз меъъри ва алоқ қондалари маъжуд. Инсон қадири ва шайини ҳимоя қилиш ўрнига ҳузурига кирган одамни назар-писанд этмай, дилига озор бериб, ҳақоратлаб чиқарётганлар ҳам бугун йўқ эмас. Мана шундай кишилар раҳбарлик курсиси вақтинчалик эканини ёддан чиқармаслигини истардим.

Б.АЛИХОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси.

Тугатилаётган «ТЕТАМИНОТ» ОАЖ

куйидаги товар-моддий бойликларни сотади:

- халқ истеъмоли моллари;
• электротехника буюмлари;
• сантехника буюмлари;
• тоғ-шахта ускуналари ва бутловчи қисмлар;
• қишлоқ хўжалиғи техникаси бутловчи қисмлари.

Мулоқот учун телефонлар: 8-266-2-31-21, 382-89-14, 144-38-28, 23-22-70.

Эргаш ТЕШАБОВ, Минбулоқ тумани.

«Фарғона Водийси Булбуллари»

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ушбу ном остида анъанавий кўшиқ фестивали ўтказмоқда

Фестиваль дастурлари халқимиз дил-дилидан «булбул» дея эфиротан, олқишлаган машҳур хонандалар тугилган, санъат олами парвоз қилган уч виллоятда намойиш этилади.

Мантқан бир туркуми ташкил этувчи фестивалнинг биринчисини мумтоз ҳофиз ва моҳир актёр, миллий театр ва мусика

санъатимизнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган Ўзбекистон халқ артисти Муроджон Аҳмедов хотирасига бағишлаб Фарғонада, иккинчисини пири комил устоз, академик Юнус Ражабий-шахиди шогирд, Ўзбекистон халқ ҳофиз Фаттоҳжон Мамадалиев хотирасига Андижонда, учинчисини эса, ноёб овоз соҳибаси, ҳаётлигидаёқ

«Қалбимга кирдинг» каби кўплаб дурдона тароналар ила муҳлис-лар қалбидан жой олган Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охунова хотирасига бағишлаб Наманганда ўтказиш режалаштирилган. Қуни кеча фарғоналиклар фестивалнинг илк иштирокчилари ва меҳмонларини кутиб олишди. Қўқоннинг Фурқат номли боғига

кўплаб санъат муҳлис-лари, Муроджон Аҳмедовнинг ҳақиқий ихлосмандлари, шогирдлари ва атоқли ҳофиз билан кўп йиллар бирга ишлаган маданият ходимлари ташир буруришди. Ҳофиз ижодини яқиндан билган кишиларнинг санъаткор ҳақидаги сўзлари, хотиралари тингланди. Йиғилганларда санъаткорнинг фарзандлари — Тохиржон Аҳмедов ва Ҳабибахон Аъзамоваларнинг хотиралари ўчмас таассурот қолдирди.

Ю. АВЛАҚУЛОВ.

Жаҳон чемпионати яқунлари

Германиянинг Бремен шаҳрида стол тенниси бўйича жамоалар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда 170 жамоа вакиллари голиблик учун баҳс юритдилар.

Чемпионатда ўзбекистонлик кичик ракетка усталари Молдавия, Доминикан Республикаси, Испания, Болгария, Бразилия ва бошқа кўплаб давлатлар спортчилари билан тенгма-тенг кураш олиб бордилар. Яқунда Алишер Комилов, Темура Шириев, Анвар Каримов ва Евгений Цой тўртлиги тўртинчи дивизионда еттинчи ўриндан жой олди. Афсуски, мусобақада қизларимиз тўртлиги муваффақиятли катнаша олмади. Саида Бурҳонжўзаева, Манзура Иноятова, Римма Гуфранова ва Мадина Аюбвалар зўра қирқ саккизинчи ўрин билан кифояланишди.

Ўз муҳбиримиз.

ТАШКИЛОТЛАР ВА ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Уруғлик чигитни тозалаш, саралаш, калибровка қилиш, дорилаш ва қадоқлаш жиҳозларини сотиб олишга тендер савдолари эълон қилинади.

Тендер савдоларини ўтказиш бўйича ишчи орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги қошидаги «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги белгиланган.

Тендер савдоларида катнашиш учун кўрсатилган шартларни бажарган ишлаб чиқарувчи корхоналар ва/ёки уларни етказиб беришда тажрибага эга бўлган ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдоларида катнашишга қуйидаги шартларга жавоб бермайдиган ташкилотлар иштирок эта олмайдилар:

- қайта тузилиш, бекор қилиниш ва банкрот ҳолатларида турган;
- илгари тузилган шартномалар юзасидан ўз мажбуриятларини керакли ҳолда бажармаган;
- тендер эълон қилгунга қадар тузилганига 6 ой тўлмаган;
- буюртмачи билан судланиш ёки арбитраж кўриб чиқиш ҳолатидагилар;
- тижорат ва молиявий кўрсаткичлари тендер комиссияси талабларига жавоб бермайдиган.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг охириги мuddати — 2006 йил 6 июнь, Тошкент вақти билан соат 15.00гача. Тендер савдолари ўтказиш тартиби бўйича кўшимча маълумотларни олиш учун даъвогарлар ҳар куни соат 9.00дан 18.00гача (шанба ва яқшанбадан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охириги кунига қадар «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги жойлашган қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Буюк Ипак йўли» к., 75-уй. Тел.: 68-25-51, 138-53-42. Факс: 68-75-96

Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, боғ соҳиблари, тадбиркорлар диққатига!

Пуркагичлар керакми? Марҳамат!

«ЎЗКИШЛОҚМАШХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДАГИ

«AGRIHIM» ЎЗБЕКИСТОН-ИТАЛИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИДА

Ишлаб чиқарилаётган олти хил — пахтачилик-боғдорчилик учун «VP-1» русумли пуркагич-чангитгич, шунингдек, «Кариола-С-100», «ОРПД-12/М», «Аида», «Леонора», «Асусена» пуркагичларига «Узстандарт» агентлигидан сертификатлар берилган. Улардан саккиз йилдан бери муваффақиятли фойдаланилаётган.

Ўза, сабзавот майдонлари, боғлар, иссиқхоналар ва ҳовли-жойлардаги дарахтар хосилларини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли химоя қилмоқчи бўлсангиз, шу қулай, самарали пуркагичлардан фойдаланинг. Чорвачилик фермалари, паррандчилик фабрикаларини дезинфекциялашда, жумладан, парранда гриппига қарши курашишда ҳам пуркагичлар яхши самара беради. Тадбиркорлар бу пуркагичлардан фойдаланиб, фермер ва боғ соҳибларига агрокимё хизмати кўрсатишса, бу катта наф келтиради.

Пуркагичларни маблағ ўтказиб ёки нақд пулга сотиб олиш мумкин. Қўшма корхонада пуркагичларни тузатиб, таъмирлаб бериш имконияти бор.



Манзил: Тошкент ш., С.Машҳадий к., 210-уй. Мўлжал: Шампан винолари заводи. Автобуслар: 16, 21,30. Тел.: (998-71) 169-49-33, тел./факс: 169-49-44, 169-35-46. E-mail: agrihim@mail.st.uz

Азиз ҳамюртлар!

Энг йирик ва нуфузли банклардан бири АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТАБАНК»

сизлар учун янги, қулай ва манфаатли

«ЗАМИН»

муддатли жамғармасини жорий этди.

Омонатни сақлаш мuddати — 2 (икки) ой бўлиб, йиллик 22 фоиз миқдорида даромад тўланади.

Омонатнинг энг кам миқдори — 100 минг сўм.

Шошилининг, имкониятингизни қўлдан бой берманг. Омонатга маблағлар шу йилнинг 31 майига қадар қабул қилинади.

Омонатга қўйган маблағларингиз «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан кафолатланган!

«Пахтабанк» сизнинг келгуси даромадингиз кафилидир!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

ЎЗБЕКИСТОНДА НЕФТЬ ВА ГАЗ СОҲАСИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ВОҚЕА!

Нефть ва Газ

10-Юбилей халқаро кўргазмаси ва анжумани

16-18 май 2006

Тошкент, Ўзбекистон
Ўзэкспомарказ

10 ЮБИЛЕЙ

Ташкилотчилар:



ITE Uzbekistan
Ўзбекистон, 100015, Тошкент, Ойбек кўчаси, 20
Тел.: +(998 71) 113 01 80, факс: +(998 71) 151 21 84
E-mail: industrial@ite-uzbekistan.uz, web: www.oilgas.uz

Ўзбекистон Республикаси Ақлия вазирлиги жамоаси академик

Шавкат Закариевич

УРАЭВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.

«Фармако» ишлаб чиқариш савдо компанияси жамоаси бош директор, фармацевтика фанлари номзоди

Эркинхожи

ЖУРАЕВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

М. Уйгур номидаги Тошкент давлат санъат институти жамоаси кинотелеоператорлик санъати кафедраси муdiri, профессор, Абдурахим Исмоиловга опаси

Бибисора

ГАНИЕВНИНГ

вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзР ФА Археология институти жамоаси илмий ходим

Қобул АЛИМОВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 757. 28740 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:

Газетхоналар билан алоқа ва митинглар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғасев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қороздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

Тижорат материаллари

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.45 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпоев. Навбатчи муҳаррир — Э. Болшев. Навбатчи — Х. Каримов. Мусаҳҳах — М. Сулаймонова.